



# YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 60 (16365)  
27-IYUL, SHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz yoshlarovoz@mail.uz @yoshlarovoz

Юртимиз қонун ҳужжатларида узоқ вақт даволашига муҳтож бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланган бўлса-да, бу тоифага кирувчи болаларни ўқитиш тартиби ва аниқ механизмлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланмаган.

Кеннинг сонларма

## Мақсадимиз – Самарқандни жаҳон туризм марказига айлантириш, аҳоли учун замонавий турмуш шароити яратиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 26 июль куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари сафарлар чоғида туман ва шаҳарларда бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларни жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шу асосда дастурлар тузилади, уларни амалга ошириш бўйича йўл хариталари тасдиқланиб, ҳаёtgа татбиқ этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 2019-2020 йилларда амалга ошириш белгиланган умумий қиймати 19,6 триллион сўмлик 987 лойиҳанинг 572 таси бўйича 2,3 триллион

сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 300 таси тўлиқ якунига етказилди. 4 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар жалб этиш доирасида 88,2 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бу 2018 йилнинг шу даври билан таққослаганда, қарийб 1,5 баробар кўпдир.

Инвестиция дастурига кўра, бу йил Самарқанд вилоятида 565,7 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, 151 объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозиргача 22 мактаб, 8 тиббиёт муассасаси ва 12 ичимлик сув объектида белгиланган ишлар якунланди.

Президентимиз Самарқанд халқаро аэропортида мазкур ҳаво дарвозасини ривожлантиришга оид лойиҳа билан танишди.

1927 йилда фаолият бошлаган аэропортида 2009 йилгача бир неча марта қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Лекин бутун аэропортнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятларини замон талаблари даражасида, деб бўлмайди. Бу ердан ҳафтасига 37 марта хоржий ва маҳаллий парвозлар амалга оширилиб, йил бошидан буён 220 минг йўловчига хизмат кўрсатилган.

Давоми 2-саҳифада.

## Yuksalish Назариядан амалиётга



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли кадрларни тайёрлаш институтининг тўрт ойлик

малака ошириш курсларини тамомлаган тингловчилар учун битирув маросими бўлиб ўтди. Унда Давлат бошқаруви академияси ректори Р.Қосинов, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши

раиси Қ.Куранбоев ҳамда битирувчилар иштирок этди.

Институтга ҳужжат топширган мингга яқин номзодлар орасидан дунёқараш кенг, лидерлик қобилиятига эга 55 нафар тингловчи саралаб олинган эди. Қайта тайёрлов курси ўқув режасига мувофиқ, тингловчилар 12 ҳафта давомида назарий билимга эга бўлди. Сўнг икки ҳафтага турли вазирлик ва ташкилотларда, ҳокимиятларда малака ошириш учун юборилди. Ўқув жараёнида давлат ва жамият бошқарувининг ҳуқуқий асослари, бошқарув психологияси, инновацион менежмент, тизимли тахлил асослари, инсон ресурсларини бошқариш, бошқарувда лидерлик ва ёшлар психологияси, давлат иқтисодий сиёсати ва бошқа фанлардан назарий билим берилди.


— Биз давлат бошқарувини ўрганиш билан бир қаторда раҳбарлик тажрибамизни ҳам оширдик, — дейди Энергетика вазирлигида фаолият олиб бораётган тингловчи Мирзофруз Негматов. — Шаҳсан мен ўтган тўрт ойда жуда катта ҳаётий тажриба тўпладим. Энди уни амалга татбиқ этишга ҳаракат қиламан.

Карим ЗАРИПОВ

## Imkoniyat

### “Ақлли” уй ва ҳожатбарор роботлар

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан юртимизда илк бор болаларнинг техник ижодкорлиги бўйича “Youth techno art” халқаро фестивал-танлови ташкил қилинди.



Унда Ўзбекистон, Арманистон, Хиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Иордания Қироллигидан жами 30 нафар ўқувчи ўз ишланмалари билан катнашди. Ёш техниклар автомобил, авиа-ракет

томодель, робототехника, радиотехника, электроника ва алоқа йўналишлари бўйича билим ҳамда салоҳиятини синовдан ўтказди. Танлов икки шартдан иборат бўлиб, дастлаб ишланманинг техник тавсифи (қай тарзда ва қандай матери

аллардан ясалгани), сўнгра амалий аҳамияти баҳоланди.

— Янги лойиҳадан қўзланган асосий мақсад ёшларни муҳандислик касбларига қизиқтириш ҳамда техник ижодкорлигини рағбатлантиришдан иборат, — таъкидлади беллашувнинг очилиш маросимида Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Бутун дунёда техника ва технологияларга талаб ортмоқда. IT соҳаси шиддат билан ривожланипти. Турган гапки, инсоният тараққиёт билан ҳамқадам бўлмоғи керак. Ёш авлоднинг замонавий тенденциялар асосида билим олишига шароит яратмасак, келажакни бой бериб қўямиз. “Youth techno art” фестивал-танловини ўтказишда жонбозлик кўрсатган юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ватанпарвар” ташкилоти, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази алоҳида миннатдорлик билдираман. Умид қиламизки, келгуси йилларда танловнинг географик кўламини кенгайтириб, нуфузи ортиб боради.

Давоми 2-саҳифада.

## Taraqqiyot odimlari

### Илм-фан равнақи олимларга эътибордан бошланади

Бугун юртимизда илм-фанга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратиляпти. Фанлар академиясининг йиллар давомида барбод бўлаётган, даярли “ўлик” ҳолатга келиб қолган илмий-тадқиқот муассасалари тикланмоқда. Аҳоли ночор бинолардаги эски усқуналар билан жиҳозланган лабораториялар янгиланмоқда. Тематик грантлар ва стартап танловлар натижасига кўра, юзга яқин илмий-техник ва стартап лойиҳа амалга оширилмоқда. Тадқиқотчилар, айниқса, илмга энди кириб келаётган ёшларнинг хорийда малака ошириши, стажировка ўташи оддий ҳолга айланмоқда.

Буларнинг бари очик-ойдин, элу юрт кўз ўнгиде бўлаётган ишлардир. Аммо яқин ўтмишда вазият ундай эмасди. Олимларга эътибор қаратиш ҳам, уларни қўллаб-қувватлаш ҳам анча мушкул масала эди. Бугун беҳתיёр айрим ҳақиқатларни эслаيمان.

2008 йилнинг кеч кузи эди. Техас қишлоқ хўжалиги ва механика университетиде ўқишни битириб қайтган кезларим Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти қошидаги генлар инженерияси ва биотехнологияси лабораториясида ишлардим. Ўша пайтда Бош вазир Шавкат Мирзиёев олимлар билан учрашувга келди. Бир қанча академиклар, олимлар иштирокидаги йиғилишда менинг устозим академик Абдусаттор Абдукаримов янги ишланмамиз — ген-нокаут технологияси ҳақида уларга маълумот берди. Президентимизнинг юзларида мамнувият зоҳир бўлди, янги технологияга қизиқиб, бир қанча саволлар берди.

Аммо катта академикларимиз: “Бу тадқиқотдан бирор иш чиқмайди. Аввал ўзимиз ўрганайлик, ҳулосамизни берайлик, кейин сизга алоҳида тақдим этамиз”, деб қарши фикр билдирди. Шунда Шавкат Миромоновичдан мени хайратлантирган, ватанга меҳрини ва келажакка ишончимни қучайтирган жавоб янгради: “Биз ўзбекмиз, домла! Энди шу иш чиқадими, йўқми, барибир, уни амалга оширамиз ва охирига етказамиз!”. Этим жимирлаб кетди. У кишидаги ватанпарварлик ҳисси, гурур ва катъиятдан лол қолдим. Қадриятларим қайта шаклланди!

Давоми 3-саҳифада.

## Eshitingizmi?

### Ўқувчиларимиз Нобель мукофоти лауреати билан учрашди

Санкт-Петербург шаҳрида 29 мамлакат вакиллари иштирокида иқтисодийёт бўйича II халқаро фан олимпиадаси бўлиб ўтмоқда. Россиянинг Иқтисодийёт олий мактаби томонидан ташкил этилган ақл баҳсида ўзбекистонлик ўқувчилар илк бор қатнашяпти.

Терма жамоамиз таркибидан Нукус шаҳридаги 46-умумтаълим мактаби ўқувчиси Алибек Амигбеков, Мирзо Улуғбек туманидаги профилилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Жавохир Юсупов, Наманган шаҳридаги 18-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби-интер-

нати ўқувчиси Бобурмиро Валижонов, Денов туманидаги 3-мактаб ўқувчиси Зубайдулло Абдирахмонов ҳамда Фарғона шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Шамшир Зубайдуллаев жой олган. Йиғиларнинг барчаси 10-сентябрда таҳсил олади. Олимпиаданинг очилиш маросими-

да Гарвард университети профессори, Нобель мукофоти лауреати (2007 й.) Эрик Маскин “Механизмларнинг дизайн назариясига кириш” мавзусида маъруза қилди. Беллашув уч босқичда ўтказилди. Иштирокчилар молиявий саводхонлигини намойиш этиб, иқтисодийётнинг турли тармоқлари ва бизнес соҳа-

сига доир топшириқларни бажариш керак. Биринчи иккита босқичда ўқувчилар яқка тартибда баҳоланади. Охиригисиде эса жамоавий билим ва салоҳият инобатга олинади. Яқуний натижалар 31 июль куни маълум бўлади. Ғолиблар ўз юртида иқтисодийёт йўналишидаги олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз

ўқишга кириш имтиғига эга. Эслагиб ўтамиз, иқтисодийёт бўйича халқаро фан олимпиадаси илк бор 2018 йилнинг 14 – 21 сентябрь кунлари Москва шаҳрида ўтказилганди. Унда 13 та давлатдан 65 нафар йиғит-қиз қатнашган.

Рохатой ҚОДИРОВА





# Илм-фан равнақи олимларга эътибордан бошланади

Бошланиши 1-саҳифада.

Шавкат Миромонович мажлис тугагач, АҚШда қилган ишларини суриштириди, лабораторияга халқаро грантлар жалб қилганини эшитиб, қувонди ва кетаётди: “Энди ўзинга маҳкам бўлиб, ишингни охиригача етказ”, деб мени қўллаб-қувватлашини яна бир бора таъкидлади. Муаммоларни суриштириди.

Ушанда лабораториямиз асбоблари 1992 йилда сотиб олинганини, яхши натижаларга эришишимиз учун замонавий ускуналар кераклигини айтдим. Тез орада АҚШдан энг сўнгги русумдаги лаборатория

жихозлари олиб келиб ўрнатилди. Энди ген-нокаут усулини юртимизда етиштириладиган маҳаллий пахта навларига қўллаб бошладик, ушбу технология ёрдамида ўзанинг илк маҳаллий нави — “Порлок” яратилди. Юртимизда фаннинг янги геномика ва биоинформатика йўналиши очилди.

2011 йилда янги нави институтга тегишли 1,5 гектар майдонга эдик. Куз келиб, пахта ҳосил бергач, Шавкат Миромонович далага кириб, лўпи-лўпи бўлиб очилган чанокларни қўлларига олиб: “Мана, бу илм-фан меваси, — деди. — Фермерларни ҳосилни кам бермасан, деб уришамиз, ваҳоланки, клими-

мизга мос, касалликларга чидамли, серҳосил нав бўлмаса, уларнинг қўлидан нима ҳам келади?! Нафакат кишлоқ хўжалиги, балки икти-содиётимизнинг барча соҳалари илм-фанга асосланиши керак”.

Шундан сўнг Бош вазир ген ин-женерияси бўйича талқикотлар олиб бораётган олимлар жамоаси учун Геномика ва биоинформатика марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Фанлар академияси илмий-талқикот институтлари бирин-кетин тугатилган кийин пайтлар эди ўшанда. Янги марказ кўзга ташлан-маслиги учун у Фанлар академияси, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ҳамда Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида идоралараро марказ сифатида ташкил қилинди. 2013 йили 600 гектар майдонга “Порлок” навини эдик.

Бундан ташқари, илмий ходим-лар сонини 10 нафардан 60 киши-га етказиш учун маблағ берилди. Ўн киши ўша йилларнинг ўзидаёқ АҚШда ўқиб келди. Ҳозир хорижда таълим олган ходимларимиз сони 25 нафарга етган. Биз яратган нав-лар дунёнинг ўнлаб мамлакатлари-да патентланган ва ҳозир 50 минг гектар майдонда экиб келимокда.

2012 йил кузида яна бир бор янги барпо этилган пахта тажриба май-донига келган Шавкат Мирзиёев бо-зорларни фақат қора меҳнат эвази-га тўлдирётганимиз, бундан бун илм-фанни ривожлантирмасак, бу тўқинликни сақлаб тура олмасли-гимизни таъкидлаб, бизга қатор топшириқлар берди. Уша даврда

бундай гапни деярли ҳеч ким айт-мас эди. Мамлакат Бош вазирдан бундай катъий фикрни эшитиш бизни илм билан янада чуқурроқ шуғулланишга ундади.

Шавкат Миромонович АҚШда тажриба алмашиб қайтган 15 на-фар ёшнинг ҳар бири билан узоқ суҳбат қуриб: “Балки атрофда тенгдошларингиз қандайдир енгил-елпи олди-сотди билан шуғулланиб, ҳашаматли ҳаёти билан мақтаниб юргандир, лекин билинглар — сизларда-даги бу маънавий бойликнинг баҳоси йўқ! Кўзингизнинг ёниб тургани ва Ватан равнақи учун хизмат қилишга бел боғла-ганингизни халқимиз ва мен жуда қадрлаймиз”, деди.

Бунинг исботи сифатида барча-мизга илм қилиш учун энг замо-навий шароит яратиб, олимларга уй-жой ажратиш бўйича топшириқ берди ва энг муҳими, келажакда бундан ҳам яхши бўлишига бизни ишонтирди.

Эсимда, мамлакатдаги ҳар бир илмий-талқикот институти камда бизнинг марказимиз каби бўлиши кераклигини ўша даврдаёқ раҳбар-ларга уқитирган эди. Бундай эъти-роф бизни тамомила ўзгартириб юборди.

Юқоридаги воқеаларни эслар эканман, Президентимизнинг ав-валдан олимларга бошқача меҳр билан қараши, уларга чуқур хур-мат кўрсатишини ўйладим. Ахир, олимлар эътибордан четда қолган бир даврда Шавкат Миромонович лабораторияларимизга тез-тез кели-б, ишларимиз билан қизиқар, биздан ҳол-аҳвол сўрар, кўнгли-мизни кўтарарди. У кишининг ёшларга ишончи юқори бўлган ва иқтидорларни доимо кўз остига олиб, уларни ҳимоя қилиб югани-га шахсан гувоҳман. Бу ҳар бири-мизга ўрнақдир.


**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**  
**Инновацион ривожланиш вазيري,**  
**Ўзбекистон Фанлар**  
**академияси академиги,**  
**Бутунжаҳон Фанлар академияси**  
**аъзоси**

## Tahlil va talqin

# Сувсиз яшаб бўлмайди,

*аммо унинг қадрига қачон етамиз?*

Жўмрақдан шариллаб оқиб турган сув таққа тухтаб қолди. Кишлоқ эмаски, кўш-нининг қудугидан сув олиб келсак. “Таъмирлаш ишлари бошланди, 10 – 15 кун сув бўлмайди”, деди маҳалла-миз раиси. Сувсиз яша-нинг иложи йўқ. Машина катта бочкада сув олиб келди. Бир челақ сув 2 минг сўм. Бутун “дом” да-гилар кўчага чиқди. Ким-дир челақ, бочка, биров баклашка кўтариб олган. Ишониш қийин, **АВВАЛ БИР КУНГА АРАНГ ЕТАДИГАН СУВНИ БИР ҲАФТАГА ЕТКАЗДИК.**



Шу воқеадан кейин сувнинг қадри-га эгадиган бўлдим. Ота-боболаримиз айтганидек, нон билан сувнинг уволи ёмон.

Маълумотларга қараганда, сай-брайзининг 77 фоизини ташкил этган сув захираларининг атиги 1,7 фоизи ичишга яроқли. 2018 йил 1 январь хола-тига кўра, дунё аҳолиси 7,4 миллиард-дан ошиб кетди. Чучук сув таъминоти аллақачон глобал муаммога айланиб улгурган. Яна ҳам жиддийси дунёдаги касалликларнинг 80 фоиздан ортиги ичимлик суви танқислигидан келиб чиқар экан.

Сув мингсиз бўлган давлатлар аҳоли-си уни ҳаёт келтириш учун бир кунда олти километрлаб йўл босишга мажбур бўлаётган бир вақтда, сиз биз жўмрақ-ни бамайлихотир очиб қўётганимиз адолатдими?! **СУВ ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИ ТУФАЙЛИ ЕР ЮЗИ-ДА БИР КУНДА ЎРТАЧА 4 МИНГ 500 БОЛА ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМ-МОҚДА.** Оддийгина қиёс: дунёда 10 дақиқа оқиб қўйилган сув 200 нафар боланинг чанкоғини кон-диришга етади. Расмий маълумотларга кўра, дунёда 2,4 миллиард одам сувдан фойдаланишда талаб даражасидаги ша-роитга эга эмас. 1 миллиарддан кўпроқ киши тоза ичимлик суви ичиш имкони-ятдан маҳрум. Бу эса ўз навбатида 250 миллион кишининг касалланишига са-баб бўлиб, улардан 5 миллионини ўлим ҳавфи қутаётгани сир эмас.

Тоza, чучук сувсиз инсоният бир кун ҳам яшай олгани сингари, бусиз ҳеч бир озиқ-овқат маҳсулотини ҳам етиштириб бўлмайди. Биргина юртимиз мисолида оладиган бўлсак, фойдала-нишга яроқли сувнинг 90 фоизи кишлоқ хўжалигига йўналтирилади. Афсуски, чучук сув миқдори камлиги сабабли суғориладиган ҳудудларнинг 20 фоизи шўрланган. Демак, биз ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида суви тежаш учун янги технологияларни қўллашимиз керак.

Энг самарали усуллардан бири том-чиладиб суғоришидир. Бу орқали фер-мер ва дехқонларимиз 50 фоизгача суви тежайди. Томчиладиб суғоришда сув ва ўнгилар айнан ўсимликнинг ил-дизига тушади. Тўнроқ ҳар доим оп-тимал даражада қуруқ сакланиб, шўр-линиш даражаси пасаяди, экин жадал ривожланади. Бу технологиядан фой-даланаётган дехқон ва фермерларга давлатимиз томонидан имтиёзлар ҳам белгиланган.

Сув исрофини камайтирувчи яна бир самарали восита гидрогелдир. Бу ҳақда ҳали кўп дехқонларимиз ту-шунчага эга эмас. Гелрогел кристалга ўхшаш полимер грануладир. Намлик-ни ўзига сўриб олади ва ҳажми 300 баробаргача катталашади. Шу тариқа, 1 килограмм гидрогел ўзига 250 литр-гача сувини шимиб олади ва қуруқ-чиликда уни экинларга узатади. Сув захиралари тупроқ тагида жамлана-ди, буғланиб кетмайди ва сўримай-ди. У ўсимлик, организмлар, ер ва ер ости сувлари учун зарарли эмас. Технология суви сарфини 50 фоиз-гача камайтиради. Ўсимлик илдизи қуруқчиликда сувсизланишдан, нам миқдори ортиб кетгандан чиришдан ҳимояланади.

Илм-фанда “виртуал сув” атамаси ҳам мавжуд. Бу озиқ-овқат, кийим-бош ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун сарфланадиган суви англатилади. Ма-салан, 1 килограмм мол гўштини етиштириш учун 15 минг 400 литр, пахта толасидан битта кўйлак тай-ёрлаш учун 2 минг 500 литр, бит-та пицца тайёр холга келиши учун 1260 литр, смартфон ишлаб чиқариш учун 909 литр сув зарур.

Кўриниб турибдики, суви тежаш фақатгина дехқон ва фермерларнинг иши эмас. Шундай экан, суви тежашни бутун-дан бошлайлик! Зеро, бир томчи сув-нинг ҳам уволи бор.

## Psixolog qabulxonasi



**Абитуриентмисиз? “Имтиҳон қандай бўларкан, талабалик бахти насиб этармикан?”, деган ўй-хаёллар сизни қийнаётими? Унда галдаги тавсиялар сиз учун!**

# ИМТИҲОН ВА ҲАЯЖОН

*ёхуд абитуриентларга эслатма*

### Имтиҳондан олдин

Фараз қилинг, имтиҳонга бир ҳафта қолди. Бу фурсат ичида ички кўркувингизни енгинг. Бунинг учун аввало овқатланиш қондасига риоя қили-шингиз лозим. Бўлажак имтиҳон сиз учун бирин-чиси бўлса, жараён ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун таниш-билишлардан сўранг. Суҳбатдошин-гиз ўқишга қабул қилинмаган, имтиҳон унинг учун омадсиз ўтган бўлса, унинг гап-сўзларига эътибор берманг. Сабаби унда салбий таассурот-лар кучли бўлади. Натижада сиз ҳам унинг таъси-рига тушиб қолишингиз мумкин.

“Ўқишга киролмасам нима қиламан, ота-онам кейинги йил ўқишга ҳужжат топширишимга рух-сат берамикан?”, қабилидаги ўйларни унутинг: ўзингизни хотиржам тутинг. Бунинг учун “Мен, албатта, юқори балл тўплаб, биринчилардан бў-либ ўқишга қабул қилинаман”, дея такрорланг. Энг асосийси, ўз билимингизга ишонинг. Хонан-гизни ёқтирган буюмларингиз билан безатинг. Имтиҳондан олдин кайфиятингизга салбий таъ-сир қиладиган ишларни бажарманг. Аксарият абитуриентлар сўнгги кунларда китоб ўқиб, би-лимини мустаҳкамлашга уринади. Аслида бу усул

яхши натижа бермайди. Имтиҳондан уч-беш кун олдин китоб ўқиманг, кўпроқ дам олинг.

### Имтиҳонда

Бундай пайтда ҳар бир абитуриентни ҳаяжон босиши табиий. Ҳаяжонни енгил учун оёқ ва қўл бармоқларингизни очиб-ёпиб ҳаракатга келтиринг. “Албатта, имтиҳонни аъло баҳога топшираман!” деб ҳаёлингиздан ўтказинг. Ўқи-тувчи жараён ҳақида тушунтириётганда диққат билан тингланг. Тест варақаларини билганин-гизча эмас, балки ўқитувчи таъкидлаганидек тўлдиринг. Асосийси, вақтдан унумли фойда-ланинг. Масалан, 3 та фандан имтиҳон бўлса, берилган вақтни унга бўлиб, тестни ишлашга киришинг. Дастлаб билган ва ишончингиз ко-мил бўлган саволларга жавоб беринг. Сўнг қол-ганларига тўхталинг.

Аксарият абитуриентлар саволларга жавоб то-полмай қолса, тезда тушқунликка берилади. Оқи-батда миядаги мавжуд ахборотлар мавҳумлашиб, инсон стресс ҳолатига тушади. Бу сизга салбий таъсир кўрсатади. Хўш, бундай пайтда қандай йўл тутиш лозим? Дастлаб саволларга жавоб топол-масангиз, ўзингизни овутинг. Масалан, “Нодира,

ўзингни қўлга ол, ҳали ҳаммаси олдинда. Нақд 25 та савол турибди. Уларга тўғри жавоб беришинг керак. Муҳими, ҳаяжонланма!”. Бундай таскинлар кишини хотиржамликка ундайди. Аммо имтиҳон-да ҳаддан ташқари хотиржамлик яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун меъёрни унутманг.

Ҳамма саволларга жавоб топганингиздан кей-ин, яна бир бор жавобларни кўздан кечиринг.

### Имтиҳондан кейин

Аксарият абитуриентлар имтиҳондан кейин ёнида қолган саволлар жавобини текширади. Бундан илҳом бўлиб, ҳам салбий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Ижобийси бола ўзини ўзи текшириб, ха-толарини топади ва келгусида буни такрорламас-ликка замин яратади. Салбийси эса жавоб нати-жалари эълон қилинганга қадар ҳавотирда юради ёки ўзинга-ўзи ўқишга киролмадим деб ҳужм чиқар-ади. Ёки аксинча, ўқишга кирдим, деб ҳавола-нади. Аммо қўтилган натижа бўлмаса, ҳафсаласи пир бўлиб, руҳиятига салбий таъсир қилади. Бун-дай пайтда ота-она фарзандига эътиборли бўлиши лозим. Ундаги руҳий ўзгаришни пайкаган ҳолда дадда бериш керак. Ўқишга киролмаслик фожиа эмаслигини, бу билан ҳаёт тўхтаб қолмаслигини уқитиш шарт. Имкон қадар имтиҳондан кейин абитуриент чалғитувчи ишлар билан шуғуллани-ши лозим.

**Феруза ТОЛИПОВА,**  
**психолог**

## ЎЙ ШАРОИТИДА СУВНИ ТЕЖАШ

**Бир кишининг кунлик сувга эҳтиёжи (ичиши, гигиена ва санитария эҳтиёжлари учун) — 50 литр.**

**Соқол опаётганда очиб қўйилган жўмрақдан бир ойда 380 ЛИТР СУВ исроф бўлади. Бу ишда ҳам бир стакан сув кифоя қилади.**

**Аслида бу эҳтиёжларнинг ҳаммаси учун идишга солин-ган 3 ЛИТР СУВ кифоя.**

**Сабзавот ва меваларни очиб турган сувада ювганда ҳар дақиқада 10-15 ЛИТР СУВ йўқотилади.**

**Тиш ювиш вақтида очиб қўйилган жўмрақдан бир ойда 600 ЛИТРДАН ЗИЁД СУВ исроф бўла-ди. Буни бир-икки стакан сувада бажариш мумкин.**

**Карим ЗАРИПОВ**



» Mutolaa san'ati

# Bolalarga kitob nima uchun kerak?

(Xans Kristian Andersen nomidagi mukofot — oltin medal bilan taqdirlash marosimida so'zlangan nutq)

**Astrid Anna Emiliya Lindgren (1907-2002) — shved yozuvchisi. Bolalar uchun dunyoga mashhur qator asarlar yaratgan. Jumladan, barchamizga ma'lum "Mittvoy va Karlson" asari muallifi.**

gan jannatga qaytganday bo'ldim. Men, umuman, bu dunyo barchaga, daydi Oskar yoki Rasmus yetimlari uchun ham jannat bo'lgan demochimasman. Ammo men uchun jannat edi. Kitob yozayotganingda o'sha jannatga qaytish, yana qayta bolaga aylanib qolish naqadar ajoyib!

Bolalar uchun asar yozganda hamma-da ham shunday hol yuz bersa kerak deb o'ylayman. O'zing bolaga aylanmasang bo'lmaydi. O'tirilib qandaydir voqealarni to'qib chiqarish kerak emas. Bolalikka qaytish — o'sha paytda atrofingdagi olam va uning nafosati qanday edi, seni qanday kiyintirishgan va bu ust-boshingda o'zingni qanday his etgansan, nimalar ustidan kulgansan, seni nimalar yig'latgan edi?..

"Siz kattalarga ham kitob yozishingiz mumkinmi?", deb savol berishadi menga ba'zan. Bunday savol berishganda shunday xayolga borishsa kerak: bolalar uchun shuncha kitob yozdi, endi biror arziri yumush bilan shug'ullansa bo'laridim!

Yo'q, men kattalar uchun asar yozishni xohlamayman! Men shunday kitobxonlar uchun yozishni xohlaymanki, toki ular mo'jizalar yaratib. Mo'jizani esa kitob o'qiyotgan bolalarga yaratadi. Ular hayotni, bizning nochor fikrlarimiz, so'zlarimizni shodlikka to'ldiradi hamda asarimizga yorqinlik bag'ishlaydi. Kitobdagi sirli mo'jizalarning barchasini

yaratish yolg'iz yozuvchining qo'lidagi kelaydi. Bu jarayonda unga kitobxon ko'mak keladi. "Kattalar"ning yozuvchilarida biznikiday ajoyib ko'makchilar yo'q. Katta o'quvchilar mo'jiza yaratmaydilar. Afsonaviy qasrlar bunyod etishga qodir xayollar faqat bolalargagina xosdir.

Kitob mutolaasida bolalar xayoloti zarur, mana shunday. Bolalar xayolotini boyitish uchun esa ko'proq kitob kerak, toki u bolalarning yashashi, ulg'ayishiga ko'mak bersin. Kitob fantaziyaga qanot bog'laydi. Hozirgi zamon bolalari kino-film, televizor ko'radi, radio tinglaydi, rasmlar jurnallari tomosha qiladi — bularning barchasi, mayli, balki qiziqarli ermakdir, ammo ularning fantaziyaga sira aloqasi yo'q. Bola kitob bilan tanho qolsa, qalbining to'rida yorqin, unutilmas siymolarni yaratadi. Bolalar fantaziyasi bitmas-tuganmas, chek-cheqarasiz, usiz insoniyat qashshoqlashib qolgan bo'ladi. Qachonki bu dunyoda buyuk ishlar amalga oshirilgan bo'lsa, avvalo, inson tasavvurida yaratilgan. Ittifoq davri qanday bo'lishi hozir kitob o'qishni o'rganayotgan kichikintoylarga bog'liq.

Mana shuning uchun ham bolalarga kitob kerak.

Rus tilidan HUMOYUN tarjimasini.



» 1 savolga 1 javob

— "Green Card" dasturi bo'yicha AQShga kelganman. 2015-yil iyun oyida pasportimning amal qilish muddati tugadi. Amerikada doimiy yashash uchun ruxsatnomam ham yo'q. Endi Nyu-Yorkda sertifikat olib, pasport olish uchun O'zbekistonga bormoqchiman. Eski pasportim Samarqand viloyatiga qancha muddatda yetib boradi? Besh yildan ortiq O'zbekistondan tashqarida yurganim pasport olishim hamda AQShga qaytib borishimga muammo tug'dirmaydimi?

Jobir ALIQULOV

AQSh, Boston

**Savolga gazetamizning doimiy eksperti Javohir SHAMUDDINOV javob beradi.**

— Amaldagi tartibga ko'ra, muddati o'tgan pasport doimiy yashash maqsadiga ko'pi bilan bir oyda yetib borishi kerak.

Agar pasport olish uchun taqdim etilgan hujjatlar shubhali tug'lsa, O'zbekiston Respublikasining AQShdagi elchixonasi sizga nisbatan 1 oydan 6 oygacha tekshiruv o'tkazishi mumkin.

Bordi-yu, Ichki ishlar yoki Tashqi ishlar vazirliklari chet elda yurgan vaqtinizda xo-

rijiy mamlakat qonunlarini buzganingiz yoki u davlatga borishingiz maqsadga muvofiq emasligi haqida axborotga ega bo'lsa, sizning chet elga borish huquqingiz 2 yilgacha cheklanishi mumkin. Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasi pasport tizimi qoidalarini buzganingiz uchun sizdan ma'muriy jazo sifatida eng kam ish haqining 1/2 qismidan 3 baravarigacha miqdorda jarima undiriladi.

**Qanchalik g'alati tuyulmasin, bugungi unutilmas, tantanali lahzalar uchun bolaligimdagi daydilardan minnatdor bo'lishim lozim. O'sha daydilar qorong'i tushganda eshigimizni taqillatib, boshpana so'rab kelardi.**

**— Og'ilxonangizda bir kecha tunab qolsak maylimi?**

Biz — bolalar oshxonada tizilib o'tirar ekanmiz, boshpanasiz qolgan odamlarga angrayib boqardik. Daydilarga qarab, xayolimizdan ertaklardagi qandaydir lavhalar o'tardi. Biz dehqon bolalari edik va dunyoda qishloqma-qishloq, ko'chama-ko'cha darbadar yurgan uyi yo'q odamlar boligini sira tasavvur qila olmasdik. Bularning barchasi bizga g'ayrioddiy, ayni paytda qiziqarli va sirli tuyulardi. Daydilarning aksariyati samimiy, so'zga chechan, yaxshi odamlar bo'lardi, xuddi kitobimdagi Oskarga quyib qo'yganday o'xshardi. Ularning ko'ngilga yoqimli gaplari ko'p edi.

Bolaligim yodimga tushsa, oradan go'yo yuz yil o'tgandek tuyuladi: axir dunyo juda ham o'zgarib ketdi-da. "Ot asri" deb atalgan o'tgan asrning so'ngida tug'ilganim mening fikrimni boyitdi. Mabodo yana o'n yilcha kechroq tug'ilganimda bormi, hech qachon ushbu kitobimni yozolmagan bo'lardim. Axir qishloq ko'chalarida odamlar avtomobilda emas, ot-aravada yurgan eski davrlar haqida hech narsa bilmagan bo'lardim-da. "Ot asri"da ham bolalik quvnoq o'tgan. Nima bo'lganda ham mening bolalik chog'larimni baxtli deb sanash mumkin, ha, "Daydi Rasmus" asarimni yozayotganimda xuddi yo'qotil-

» Taqdimot

## Yosh yuraklar sadosi



44 nafar jurnalistning milliy matbuotimizda chop etilgan 44 ta maqolasi "Yosh yuraklar sadosi" kitobidan o'rin egallagan. Bu materiallar milliy jurnalistikaga yangi avlod vakillari kirib kelayotganidan darak beradi.

Kitob taqdimotiga bag'ishlab Milliy matbuot markazida o'tkazilgan tadbirda O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi qoshidagi Yosh jurnalistlar kengashi a'zolari, Ittifoq vakillari, ommaviy axborot vositalari xodimlari, talaba jurnalistlari ishtirok etdi.

Yurtimizda yoshlarning ta'lim olishidan tortib, kasb-hunar egallashi va ishga joylashishigacha bo'lgan jarayon davlat e'tiboridagi masala bo'lib, bu borada tegishli organlar faoliyat olib bormoqda. Mazkur kitob ham shu kabi ezuq amallarning dochohasidir. Loyiha O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi va Respublika Tovar xom ashyo birjasi o'rtasida tuzilgan "Do'stlar klubi" mablag' asosida amalga oshirildi.

Mazkur kitob sohaga kirib kelayotgan yoshlarga shijoat bag'ishlab, mahoratini oshirishga turki bo'ladi. Berilgan maqolalarda haqiqiy qalam sohibiga xos teran nazar, xaiqning dard-u tashvishiga hamdardlik, mavjud muammolarni jonkuyarlik bilan muhokama olib chiqish hamda mukammal ijodiy uslubni yaratish ishtiyoqi ko'zga tashlanadi.

Ma'mura XO'JAQULOVA

» Diqqat, tanlov!

## "ENG ULUG', ENG AZIZ"

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi, O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi, "O'zbekkino" milliy agentligi, O'zbekiston Badiiy akademiyasi, "Tasviriy oyina" ijodiy uyushmasi, O'zbekiston milliy teleradiokompaniyasi, O'zbekiston elektron ommaviy axborot vositalari milliy assotsiatsiyasi mamlakatimiz mustaqilligining yigirma sakkiz yilligiga bag'ishlangan "ENG ULUG', ENG AZIZ" an'anaviy ko'rik-tanlovini e'lon qiladi.**

Tanlovga "Jonajon O'zbekistonim, mangu bo'l omoni!" degan bosh g'oyani o'zida mujassam etgan va 2017 — 2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning besh ta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi, shuningdek, "Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili" davlat dasturi, "Obod qishloq", "Obod mahalla", "Har bir oila — tadbirkor", "Yoshlar — kelajakimiz", "Besh ijobiy tashabbus" kabi muhim dastur va rejalar doirasida olib borilayotgan tub islohotlarni keng yorituvchi ijodiy asarlar qabul qilinadi.

"Eng ulug', eng aziz" an'anaviy ko'rik-tanlovi quyidagi nominatsiyalar bo'yicha o'tkaziladi:

— yozuvchi va shoirlarning badiiy asarlari;

— bosma OAV xodimlarining jurnalistik ishlari;

— ommaviy axborot vositasi sifatida ro'yxatga olingan veb-saytlardagi internet-jurnalistika materiallari;

— televideniye va radio ijodkorlarining materiallari;

— tasviriy san'at, foto asarlari va dizayn ishlari;

— kino san'ati asarlari.

Ko'rik-tanlovga taqdim etilgan ijodiy ishlarga quyidagi hujjatlar ilova qilinishi lozim:

— muallif va uning professional faoliyati to'g'risida qisqacha ma'lumot;

— muallifning pasport nusxasi;

— ish joyidagi tavsiyanoma;

— muallifning manzili va bog'lanish telefonlari.

Ko'rik-tanlovga 2018-yilning 1-avgustidan 2019-yilning 1-avgustigacha bo'lgan davrda rasman chop etilgan adabiy-badiiy asarlar, gazeta-jurnallar va internet nashrlarida e'lon qilingan maqolalar, radio va telekanallarda e'lon qilingan materiallar, namoyish etilgan tasviriy san'at va kino san'ati asarlari joriy yilning 5-avgustiga qadar qabul qilinadi.

Ko'rik-tanlov g'oliblari Vatanimiz mustaqilligining yigirma sakkiz yillik bayrami arafasida taqdirlanadilar va ularning ro'yxati matbuotda e'lon qilinadi.

**Ijodiy ishlari "Eng ulug', eng aziz" ko'rik-tanloviga deb ko'rsatilgan holda quyidagi manzillarga yuborilishi lozim:****100011, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30-uy. O'zbekiston Jurnalistlari ijodiy uyushmasi, "Tasviriy oyina" ijodiy uyushmasi,****telefonlar: 71 244-35-35; 71 244-64-61, 71 244-27-79;****100066, Toshkent shahri, Bunyodkor ko'chasi, Adiblar xiyoboni. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, telefon: 71-231-83-67; 100115, Toshkent shahri, Chilonzor ko'chasi 1-A uy. "O'zbekkino" milliy agentligi, telefon: 71 277-81-05.**

» Hamkorlik

## Xorij tajribasi O'zbekistonda



**O'zbekiston yosh fermerlari kengashi Yaponiya xalqaro hamkorlik tashkiloti (JICA) bilan mustahkam aloqalarni yo'lga qo'ygan. Bunday asosiy maqsad yosh fermerlarni qishloq xo'jaligi rivojlangan davlatlar tajribasi bilan tanishtirib borish, malaka oshirishini tashkil etishdan iborat.**

Hozirga qadar 10 nafar yosh fermer Yaponiyada tashkil etilgan xalqaro o'quv-seminarlarda ishtirok etgan bo'lib, yil oxirigacha yana shunchasi malaka oshirib qaytadi. Qibray tumanidagi "Leo Garden" intensiv bog'ida 10 nafar yaponiyalik mutaxassis va eksporthi ishtirokida "Bog'dorchilikda Yaponiya tajribasi" mavzuida sohaga qiziqqan yoshlar uchun mahorat darslari tashkil etildi.

— 2015-yilda 50 gektar maydonda intensiv bog' yaratdik, — deydi "Leo Garden" intensiv bog'i agronomi Badriddin Usomiddinov. — 6 xil olma va 2 xil nok daraxti ko'chatlari ekilgan bog'imizda tomchilatib sug'orish texnologiyasini joriy etganmiz. Bu usul suvning birdek taqsimlanishi hisobiga dala bo'yab namlik bir me'yorda tarqalishini ta'minlaydi. Intensiv bog'ning afzal tomoni shundaki, kam suv sarflab, ko'p hosil olish mumkin. 20 ta ishchi o'rni ega bog'imizdan bu yil 30-35 tonna hosil olishimiz mumkin.

Mahorat darslari davomida yaponiyalik mutaxassislar o'zbekistonlik fermerlarga bog'dorchilik sohasidagi so'nggi yangiliklar, innovatsion texnologiyalar, bog' maydonini tayyorlash, ko'chatlarni ekish va parvarishlash hamda zararkundalarga qarshi kurashish bo'yicha Yaponiya tajribasini o'rgatdi.

Shahnoza NURULLAYEVA

» O'qing, bu qiziq!

Xitoy bugungi kunda jahonda eng ko'p ishchi kuchiga ega davlat sanalib, u yerda 706 million ishchi kuchi mavjud. Bu esa butun Yevropa aholidan uch, Shimoliy va Janubiy Amerika qit'olari aholisidan ikki barobar ko'p demakdir.

**MUASSIS**  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

**BOSH MUHARRIR**  
Faxriddin KARIMOV  
TAHRIR HAY'ATI


Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Yafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi

Ro'ziqul OCHOILOV

Dizayner

Xurshid ABDULLAYEV

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (71) 150-22-74, (71) 233-95-97, (71) 233-79-69 (faks)

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida, A-2 formida chop etildi.  
Hajmi — 2 bosma tabaq.  
Korxonada manzili: Buyuk Tiron ko'chasi, 41.  
Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.Buyurtma G-713  
Adadi — 19063  
Bosilishga topshirish vaqti — 21.00  
Toshirildi — 01.00  
O'za yakuni — 00.50